

А.Мухторов,
фалсафа фанлари доктори, доцент,
Т.Султонов,
Ш.И.Мустафакулов,
иқтисод фанлари номзоди, доцент,
ТДИУ

ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

Ривожланган мамлакатларда таълим самарадорлиги тараққиётининг 16-фоизи моддий-техника базага, 20 фоизи - ресурсларга, 64 фоизи - инсон омилига боғлиқ.

Шу боисдан ҳам Президентимизнинг доимий эътибори натижасида ўтган йиллар давомида юртимизда жаҳондаги нуфузли университетлар билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Бунинг натижасида Тошкентда Буюк Британиянинг Халқаро Вестминстер университети иш бошлади. И.Губин номидаги Россия нефть ва газ давлат университети, Италиянинг Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиаллари каби юксак халқаро обрў-эътибор ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилди ҳамда муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу олий ўқув юртларида машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бизнес бошқаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи каби меҳнат бозорида талаби юқори бўлган мутахассислар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда ва уларнинг битирувчилари бутун дунёда тан олинган дипломларга эга бўлмоқда.

Шунингдек, 59 олий ўқув юрти, Европа ва Осиёнинг нуфузли олий ўқув юртларининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизнинг нуфузли мутахассисларига бўлган эҳтиёжлари асосида янги замонавий йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлаш ишлари бошлангани ҳам эътиборга сазовордир. Юртимиз ва хориждаги ўқув масканларида юзлаб иқтидорли ёшлар таълим олмоқда ва ўз масалакасини оширмоқда. Бунда хорижий таълим муассасалари билан икки томонлама тажриба алмашиш йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда нуфузли халқаро ташкилотлар, чет эллик таниқли эксперт ва мутахассислар, таҳлилчи ва кузатувчилар иштирокида таълим сифатини оширишга доир кўплаб симпозиумлар, анжуман ва семинарлар ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг 17 феввалида Тошкентда Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш - мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзуида халқаро анжуман ташкил этилди. Анжуманда кўплаб йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки

вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Зоссия каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этиб, узлуксиз таълим соҳасини ривожлантириш ва ёш авлодни баркамол тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўргандилар. Ҳақиқатан ҳам, юртимизда фаол, интилувчан, иқтидорли ва юксак маънавий фазилатларга эга, замонавий билим ҳамда касбларни чуқур эгаллаган - бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни вояга етказиш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган.

Таълимни ривожлантиришга йўналтирилган хорижий техник ёрдам ҳажми ўтган даврда 500 млн. доллардан ошиб кетди. Осиё тараққиёт банкининг 290 млн. доллар маблағи Жанубий Корея ҳукуматининг 110 млн.дан ортиқ, Жаҳон банкининг 33 млн., ОПЕК фонди, Саудия фонди, Ислон тараққиёт банкининг 42 млн., Германия ҳукуматининг “КфВ” банки орқали йўналтирилган қарийб 20 млн ва бошқа донорларнинг 100 млн. доллардан ортиқ ёрдами кўрсатилди.

Глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан, Ўзбекистон ўтган 5 йил давомида 8,5 фоиздан кам бўлмаган барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолмоқда. 2000 йил билан солиштирганда, ялпи ички маҳсулотнинг кўпайиши 2,1 баробарни ташкил этади. Ҳисоб-китобларнинг профицити, ташқи қарзнинг пастлиги ва валюта захираларининг етарли даражада бўлиши таъминланмоқда.

”Бугунги кунда таълим соҳасидаги барча саъй-ҳаракатларимизнинг дастлабки қувончли меваси сифатида бир неча хорижий тилларда эркин гаплаша оладиган ва шу билан бирга, ўз фикрини она тилида раво, гўзал ва лўнда ифода эта оладиган янги мутахассислар авлодини кўрганда, ҳеч шубҳасиз, юртимиздаги ҳар бир ота-она, устоз-мураббийнинг, эзгу ниятли ҳар қайси инсоннинг қалби ғурур-ифтихор туйғуларига тўлади.

Ўзбекистонда таълим секторини молиялаштиришда бюджет ва хусусий манбалар билан бир қаторда молия институтлари, хорижий, халқаро донорлар томонидан кўрсатилаётган ташқи ёрдам ҳам аҳамиятлидир. 2000 йилдан 2007 йилгача ушбу ёрдам доирасида умумий улушнинг ҳажми 1 миллиард АҚШ долларида ортиқ 122 та лойиҳа татбиқ этилди.

Олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш, таълим тизимини ислоҳ қилишнинг жаҳонда тан олинган, тажрибада исботланган 4 та модели мавжуд. Булар АҚШ, Франция, Германия ва Япония мамлакатларининг моделларидир. Улар, гарчи, умумий қоида ва йўналишлар бўйича бир-бирига яқин бўлса-да, лекин мавжуд мамлакатларнинг ҳозирги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳолати, миллий хусусиятлари ҳамда фуқароларнинг яшаш шароитидан келиб чиқиб, фарқ қилади. Масалан, Япония таълим тизимида «Оила» омилига катта эътибор берилган. Америка ёки Францияда эса маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда пуллик мактаблар жорий этилган. Лекин айрим мамлакатларда ўзини оқлаган ва самара берган моделларни ўзга давлатлар учун тўғридан-тўғри қўллаб ёки татбиқ этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатлар тажрибалари чуқур ўрганилиб, миллий ҳамда республикамизга хос бўлган хусусиятлар, шароитлар инобатга олинган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимининг

янги модели ишлаб чиқилди. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш тизимлари яхлит маърифий-тарбиявий, ижтимоий-маънавий иерархияси (ҳукмронлиги)нинг узвий муштараклигидан ташкил топган.

Фуқаро тарбиясини ташкил этиш: дунё тажрибаси ва муаммолари. Маърифатпарвар адиб Абдулла Авлоний «Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё - саодат - ё фалокат масаласидир» деганларида, аввало, **фарзанд** тарбиясини, **авлод** тарбиясини, қолаверса, **миллат тарбиясини** назарда тутиб айтган эди.

Дарҳақиқат, ҳар бир давлат ўз фуқаролари билимли, ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, маънавий баркамол, бир сўз билан айтганда, **комил инсон** бўлиб вояга етиши ҳақида қайғуради. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов бу хусусда шундай дейди:

«Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. **Комил инсон деганда, биз**, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, ҳуқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз»¹.

Бироқ таъкидлаш жоизки, турли давлатларда «баркамол инсон» тушунчасига турли сифатлар нисбати берилади. Ҳар бир давлат ўз фуқароларида замон талабларига мос сифатлар ва жамият мақсадларига мос кадриятларни қарор топтиришга ҳаракат қилади. Доимий юксалиш ҳақида қайғурадиган етакчи давлатларнинг бу борадаги тажрибаси билан танишиш фойдадан холи эмас.

1. **АҚШда фуқаро ва ёшларни ғоявий-мафкуравий тарбиялаш масаласи.** Америкаликларга қандай ғоя ва кадриятлар сингдирилмоқда? Фуқаро ва ёшлар тарбияси қуйидаги ғоявий устунларга таянади:

АҚШ фуқаролари Конституцияни, Америка давлатчилигининг асослари ва демократик тамойилларни муқаддас деб биладилар ва бу туйғуни ёшлар онгига сингдириш ҳақида тинимсиз қайғурадилар. Ёшларда эркин яшашга иштиёқ, мустақилликни кадрлаш туйғуси шакллантирилади.

АҚШ нинг фан ва технологиялар соҳасида бошқа давлатлардан ўзиб кетганлигининг сабаби шундаки, аввало Америкада эркин ва ижодий фикр кадрланади ҳамда ўзгача фикрлайдиганларга нисбатан бағрикенглик қарор топтирилган. Лекин америкалик фуқарони тарбиялашнинг энг асосий жиҳати бошқа бир ғояда яширин. У ҳам бўлса, ҳар бир инсонни ноёб истеъдод эгаси деб билиш, ҳар бир шахсга ҳазрати инсон сифатида мурожаат қилишдир.

Инсонга бундай муносабат, сўзсиз, унинг салоҳиятини юзага чиқаришга имкон беради. Айнан шу ғоя таъсирида америкаликлар орасида ўзини «ўртамиёна одам» деб биладиган ёхуд «мен бир оддий одам» деб гапирадиган кишилар ниҳоятда кам учрайди. Америка фуқаролари адолатни ҳам ўзига хос тарзда тушунадилар: шахс нимагаки эришса, қандай мақомни эгалласа, бунга фақат ўз ақли ва истеъдоди билангина эришади.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Баркамол авлод орзуси. –Т.: Шарқ 1998, 81 – б.

Шундай қилиб, ҳар бир америкалик болалигиданоқ кимгадир ва нимагадир орқа қилишга эмас, балки **ўз кучига таянишга** ўргатилади. Ҳар бир америкаликда келажакка ишонч уйғотилади. Худди ана шу «Америка орзуси» кишиларни янги мақсадлар сари рағбатлантиради, янги ғояларни амалга оширишга шавқ уйғотади. Умуман, демократия қоидалари ва эркинлик Америка мафкурасининг пойдеворини ташкил этади. Бундай тарбия натижасида фақат ўз кучига ишониш, руҳий озодлик ва мустақил фикрлаш каби хислатлар америкаликларнинг қон-қонига сингиб кетган.

Албатта, «АҚШда бу борада муаммо йўқ экан» деган хулоса чиқариб бўлмайди. Охирги пайтларда эркинликка ҳадеб урғу беравериш оқибатида америкаликлар эркинликни жамият олдидаги мажбуриятлардан ҳам озодлик сифатида идрок эта бошладилар. Шу боис ҳозирги кунда АҚШнинг зиёлилари томонидан янги мафкура - **«либерал - национализм»** мафкурасини яратиш зарурлиги ҳақидаги фикр ўртага ташланмоқда. Бу мафкура миллий ва ирқий жиҳатдан бўлиниб кетган кўп сонли ижтимоий гуруҳларни **«АҚШ - миллатлар ҳамжамиятидир»** ғояси атрофида бирлаштиришни назарда тутади. Ўйибор берадиган бўлсак, янги мафкурада миллий омилнинг устуворлиги ўрнатилмоқда. Демак, гап АҚШда аста-секинлик билан ягона миллий вужудни шакллантириш, халқнинг бирдамлигини кучайтиришга хизмат қилувчи мафкурани яратиш ҳақида бораётир.

2. Японияда миллий мафкура тарбияси. Шарқнинг энг илғор мамлакатларидан бири Японияда фуқарони, ёшларни тарбиялашнинг энг самарали ва таъсирчан усулидан фойдаланилади. Бундай тарбиянинг асосий маскани сифатида **мактаб** танланган. Чунки мактабда бола билим олишдан ташқари шахс сифатида ҳам шаклланади. Кунчиқар мамлакатда **фуқаро тарбияси «ахлоқий тарбия»** тизими доирасида амалга оширилади. Расмий ҳужжатларда «ахлоқий тарбия» тизими қуйидагича номланади: 1) «характерни шакллантиришга йўналтирилган таълим»; 2) **«давлат учун мақбул ахлоқий сифатларни тарбиялашга қаратилган фаолият»**; 3) **«фуқаролик ахлоқи асосларини тарбиялаш»**¹.

Аслида, бу тизим миллатни тарбиялаш тизими вазифасини ўтайди. Ундан қудратли ғоявий таъсир воситаси сифатида ҳам фойдаланилади. Кўпчилик олимларнинг фикрича, айнан **«ахлоқий тарбия»** тизими Япония мамлакати иқтисодий раванқининг ғоявий асосини ташкил қилади. Чунки бу тизим ишлаб чиқаришда маънавий салоҳиятдан унумли фойдаланишга йўналтирилган. Шу боисдан ҳам инглиз файласуфи Томас Гоббс (1588-1679) **«Давлатнинг қандайлиги ҳақида хулоса чиқариш учун аввало одамларнинг ахлоқи, қизиқишлари ва феъл-атворини ўрганиш жоиздир»**, деган эди.

Иккинчи жаҳон урушидан хароба бўлиб чиққан Япония мамлакатининг 30-40 йилда ишлаб чиқариш ҳажми бўйича дунёда иккинчи ўринга чиқиб олгани кўпчиликнинг хайратини уйғотади. **«Кичик бир оролнинг бундай қисқа вақтда хунармандчилик устахоналаридан автоматлашган саноатгача**

¹ Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. -Т.: Академия, 2005. 302-б.

бўлган йўлни босиб ўтганлигини қандай тушунтириш мумкин?» Мазкур саволга японлар куйидагича жавоб берадилар: **«Салоҳият инсонларда яширин»**. Япония менежментининг олтин қондасига кўра, **инсондан қимматроқ бойлик йўқ. Япон кишисида куйидаги кадрият ва сифатлар қарор топтиради:**

Меҳнатсеварлик, интизомлилик ва жамоавийлик япон миллий характериға хос хусусиятлар саналади. Бирок, давлат бу билан қаноатланмай, ўз фуқароларида ушбу сифатларни мустаҳкамлаш ва кучайтириш вазифасини **маорифга** юклайди. Натижада, мактабларда **гуруҳий бирдамликни тарбиялашга** алоҳида эътибор қаратилади. Бунда жамоанинг ютуғи ҳам, мағлубияти ҳам гуруҳнинг ҳар бир аъзосига боғлиқ эканлиги ҳақидаги ғоя сингдирилади, ўз ролини аниқ билиш ва шунга яраша масъулиятни ҳис қилиш талаб этилади. Бундай тарбия кўрган фуқаро жамоа муаммоларини ўзининг шахсий муаммолари сифатида қабул қилади. Олимларнинг фикрича, айнан шундай гуруҳий бирдамлик (япончада «айдагарасюги») туфайли мамлакат мисли кўрилмаган иқтисодий ютуқларга эришди.

Меҳнат япон кишиси учун ахлоқий кадрият саналади. Унинг кадрият даражасига кўтарилишида «ахлоқий тарбия» тизимининг роли бекиёс. Гап шундаки, япон кишисига мактабдаёқ куйидаги ғоялар сингдирилади: 1) **«Фақат тиришқоқлик ва меҳнат билан муваффақиятга эришиш мумкин»**, 2) **«Ўз устингда тинимсиз ишла - шунда бировдан кам бўлмайсан»**. Бу каби ғоялар таъсирида улғайган япон кишиси ўзининг барча ҳаракатларини куйидаги мантиққа бўйсундиради: **«Бор имкониятларингни ишга сол!»**

Шундай қилиб, давлат ўз фуқароларида тиришқоқлик ва ҳафсала, кунт ва ғайратни мақсадли равишда қарор топтиради. Интизомдан жамият манфаатларида фойдаланиш борасида эса японлар бошқаларга ўрнак бўла олади. **«Ахлоқий тарбия»** натижасида Японияда фуқаролар меҳнат интизомининг бузилишини шунчаки салбий иллат деб ҳисобламай, балки уни Ватанга хиёнат деб қабул қиладилар. Японияда **фуқаро тарбияси замон эҳтиёжлари ва жамият манфаатларига мослаштириб борилади**. Айнан шу туфайли япон фуқаролари жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи қудратли куч деб биладилар. Кўриниб турибдики, миллат келажагини ўйлайдиган ҳеч бир давлат фуқаро тарбияси масаласини эътиборсиз қолдира олмайди.

3. **Ўзбекистонда «фуқаро тарбияси»**. Миллий ғоя ва Ўзбекистон тажрибаси кўтарилган масаланинг муҳимлиги Ўзбекистонда ҳам бу борада амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилишга ундайди. Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, бизда **«фуқаро тарбияси»** ҳақида кам гапирилади. Лекин бизда бу вазифа ўз ҳолига ташлаб қўйилган эмас. Ўзбекистонда фуқаро тарбияси давлат сиёсатининг устувор соҳаси бўлиб, асосан уч йўналишда:

1) Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида. 2) Миллий ғояни сингдириш воситасида. 3) Мактаб умуммиллий давлат дастури асосида амалга оширилмоқда. Кўриниб турибдики, бизда ҳам фуқаро тарбиясини амалга оширувчи маскан сифатида **мактаб** танланган. Чунки мактабда бола билим олишдан ташқари шахс сифатида ҳам шаклланади. Демак, **маорифга** миллат

фуқаросини тарбиялашдек масъулиятли вазифа юкланган. Маориф, халқ таълими ва олий таълим йўли билан комил инсон қиёфасини яратиш зарур.

Ўзбекистонда ҳар жиҳатдан фаол инсонни тарбиялашга эътибор қаратиш, ғоявий тарбия воситасида **шахсининг салоҳиятини** максимал даражада юзага чиқаришга эришиш, ҳар бир боланинг иқтидорини ривожлантиришга урғу берилмоқда.

Тошкентда ўтказилган халқаро анжуман (2012 йил 16-17 февраль) узлуксиз таълим ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бағишланди. Унда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (1997) деб номланган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланган принципларига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг Ўзбекистон танланган **“ўзбек модели”**нинг ажралмас таркибий қисми экани алоҳида таъкидланди.

Жаҳондаги демократик, тараққий топган мамлакатлар тажрибасини умумлаштирган ва айни пайтда бошқаларнинг моделлари такрорланмаган ҳолда улардан нусха кўчирилмаган ушбу дастур ўтмишда мажбуран сингдирилган коммунистик мафқуранинг қолип ва андозаларидан бутунлай воз кечиш, одамларнинг, биринчи навбатда, униб-ўсиб келаётган авлоднинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, ҳаётда ўз фикрига, ўз йўлига ва қатъий фуқаролик мавқеига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйган.

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистондаги қатор умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасаларида бўлиб, уларнинг фаолияти билан танишди. Улар юртимизда Президентимиз бошчилигида ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ва уларнинг самараларига юксак баҳо бердилар.

Анжуман таълим тизимининг умумий ўрта таълимни ривожлантириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими самарадорлигини ошириш, унинг меҳнат бозори билан алоқасини кучайтириш, олий таълим тизимини юксалтириш, таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, олий таълим тизими ҳамда илм-фан ҳамкорлигини кучайтириш ва узлуксизлигини таъминлаш, таълим жараёнида маданиятнинг ўрни каби асосий масалалар бўйича тажриба алмашиш имконини берди.

Эътиборли жиҳати шундаки, анжуман иштирокчилари ҳар куни ўзларининг янги таассуротларини бизга ҳайрат билан сўзлаб бердилар. Масалан, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида яратилган имкониятлар АҚШ, Франция, Германия, Италия, Буюк Британия, Латвия, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Малайзия, Чехия каби ўнлаб мамлакатлар таълим тизими вакиллариининг ҳавасини келтирди. Меҳмонлар ТДИУда 3200 ўринга мўлжалланган янги бош ўқув биноси энг замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозланган ва Интернет тизимига уланган аудиториялар, 1 млн.дан ортиқ китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази фаолияти билан танишиб, улар ўз меъморий қиёфаси ҳамда техник таъминотга кўра дунёдаги энг яхши

олий ўқув юртларидан асло қолмаслигига ишонч ҳосил қиладилар. Бундан ташқари, университетда ҳам электрон, ҳам китоб шаклида бакалаврият ва магистратура фанларидан яратилган 541 номдаги ўқув-услубий мажмуани юқори баҳоладилар. Ўқитувчиларимизнинг таълим жараёнида интерфаол услублардан кенг фойдаланишаётгани, талабаларимизнинг қобилияти, билими, кўплаб хорижий тилларда эркин сўзлаша олиши ҳам уларда катта таассурот уйғотди.

Халқаро илмий-амалий анжуман иштирокчилари Ўзбекистоннинг таълим тизимини ислоҳ қилиш борасидаги тажрибасини ўрганиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг нутқида баён этилган таълим тизимини ислоҳ қилишга оид принцип ва ёндашувларни тўлиқ қўллаб-қувватладилар:

1. XXI аср – интеллектуал билимлар асрида инсон капиталлиги инвестициялар йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатларгина юксак таррақиётга эришиши мумкин. Фақат жамиятгина замонавий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўлади².

2. Бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги нафақат табиий ресурсларнинг мавжудлигига, балки, биринчи навбатда, замонавий мунтазам янгиланиб турган технологияларни ўзлаштиришга қодир, юксак билимли ва интизомли ишчи кучини мунтазам тайёрланишга боғлиқ. Бундай ишчи кучисиз иқтисодиётнинг юқори технологияларга асосланган замонавий тузилмасини шакллантирадиган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиб бўлмайди.

3. Ҳар қандай давлатнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришдан манфаатдор бўлмоғи керак.

4. Миллий ва умуминсоний кадриятларни умумлаштирган ҳолда замонавий билим, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларга эга одамларгина ривожланишда ўз олдида қўйган стратегик мақсадларга эриша олади.

5. Жамиятда билимли, маълумотли ва юксак интеллектга эга одамларнинг мавқеини ошириш таълим тизимини ислоҳ этишнинг асосий принциплари бўлиши лозим.

6. Таълим соҳасида, замонавий кадрлар талаб қилинадиган тармоқлар вакиллари ўртасида халқаро ҳамкорликни мунтазам ривожлантириш зарур.

Халқаро анжуман иштирокчилари Ўзбекистоннинг қуйидаги йўналишлар бўйича тажрибасини алоҳида эътироф этиб, уни чуқур ўрганиш лозимлигини таъкидладилар:

1. Мактаб таълими мамлакатда яшаётган асосий миллатлар эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда 7 тилда – ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб борилиши.

2. 9+3 схемаси бўйича умумий бепул таълим тизимининг жорий этилиши. Бунда ҳар бир битирувчи мажбурий таълимдан сўнг ўз хоҳишига кўра, олий

² Каримов И.И. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш - мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзудаги халқаро анжуманнинг якуний ҳужжати-резолуцияси. // Халқ сўзи, 2012 йил 22 февраль.

ўқув юртларида ўқишни давом эттириши ва бакалавр ҳамда магистр даражасини олиши мумкин.

3. Ҳар бир коллежнинг малакали ишчи кучи буюртмалари бўлган муайян корхоналар билан яқин алоқани йўлга қўйгани.

4. Республиканинг ҳар бир ўқув юртида оптик толали алоқа линиялари асосида қурилган ягона Ziyonet ахборот таълим тармоғида уланган ахборот-ресурс марказлари ташкил этилгани.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳнамолигида ташкил этилган махсус Жамғарма базасида болалар спортини ривожлантиришга устувор эътибор қаратилганлиги...

Халқаро анжуман иштирокчилари Ўзбекистоннинг таълим тизимини ривожлантириш борасидаги тажрибасини ўрганиш бўйича тингланган ва муҳокама этилган маърузаларни ҳисобга олган ҳолда қуйидагиларни тавсия этадилар:

1) кадрлар тайёрлаш сифатини уларнинг рақобатбардошлиги ва кадрларга бўлган эҳтиёжини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратган ҳолда миллий таълим тизимларини модернизация қилиш;

2) Ўзбекистон мисолида ўқитувчи ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида жорий этиш имкониятларини ўрганиш;

3) узлуксиз таълим тизимини жорий этиш муносабати билан “Билим – бутун ҳаёт давомида ҳар бир инсон учун” концепциясига асосланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини жорий этиш борасида Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш;

4) аҳолининг, шу жумладан, олис қишлоқлардаги болалар ва ёшларнинг барча босқичда бепул умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини олиш имкониятини кенгайтириш;

5) таълим тизимини такомиллаштириш ва уни молиялаш манбаларини кенгайтириш... Ҳар бир таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи ва Давлат бюджети харажатларининг 35 фоизини йўналтираётган Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш;

6) таълим тизимини ислоҳ қилишда Ўзбекистоннинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини ташкил этиш, таълим муассасаларининг муайян корхоналар билан яқин алоқаларини йўлга қўйишдаги тажрибасини ҳисобга олиш ;

7) таълим тизимининг таълим, касбга тайёргарлиги, илм-фан, маданият ва спорт баркамол ёш авлодни тарбиялашнинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланадиган комплекс, кенг қамровли хусусиятларини таъминлаш;

8) энг яхши хорижий олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш бўйича Ўзбекистонда фаол қўлланиб келинаётган амалиётни ривожлантириш;

9) иқтисодиёт таркибидаги ўзгаришлар ва жамият муҳим эҳтиёжларига мувофиқ, ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини узлуксиз ошириб бориш тизимини яратиш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтирган ҳолда ўқитувчилик касбининг нуфузини ошириш;

10) ўқитишнинг барча босқичларида ўқув дастурларининг изчиллиги ва ўзаро мувофиқлигини таъминлаш;

11) халқаро стандартлар, замонавий илм-фан ютуқлари ...инобатга олган ҳолда, ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, ўқитиш услубиятини мунтазам такомиллаштириш...;

12) ...таълимнинг барча босқичларида табиий-илмий ва муҳандислик фанларини ўқитишнинг амалий хусусиятга эга тизимини жорий этиш;

13) ...ўқитишнинг янги технологик шакл ва услубларини яратиш;

14) ўқитишнинг барча босқичларида хорижий тилларни ўрганишни кенгайтириш, ёшларнинг халқаро меҳнат бозори шароитларига мослашишини таъминлаш.

Халқаро анжуман иштирокчилари Халқаро молия институтлари, донор мамлактларга қуйидагиларни тавсия этадилар:

1. Ривожланаётган мамлакатларга барча босқичдаги таълим тизимлари, жумладан, олий таълим тизимини ривожлантиришга техник кўмаклашиш учун грантлар ҳамда имтиёзли кредитлар ажратиш амалиётини кенгайтириш.

2. Таълим тизимини, жумладан, халқаро анжуманлар, симпозиумлар, семинарлар ўтказиш ва тажриба орттириш, шунингдек, мақолалар чоп этириш орқали ривожлантиришда жаҳондаги энг илғор тажрибаларни оммалаштиришга кўмаклашиш.

3. Ривожланаётган мамлакатларга дунёнинг тараққий этган давлатларидаги ўқув юртлари ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик муносабатларини ўрганишга кўмаклашиш.